



Saiga News

2006/07 қиш мавсуми: 4 сони

Сайғоқнинг экологияси ва муҳофазаси масаласи бўйича информацион алмашинув учун 6-ти тилда нашр этилади

Мундарижа

Асосий мақола – 1 бет

Дэвид Мэллон Алмати учрашуви – сайғоқни сақлаш соҳасида муҳим қадам

Янгиликлар – 2-3 бетлар

INTAS лойиҳаси ҳамкорларининг якуний учрашуви – сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқнинг туғилиши

Сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқ WCN Expo-2006да иштирок этди

Ўзбекистонда сайғоқни сақлаб қолиш бўйича тўғарак стол бўлиб ўтди

Ўзбекистонда сайғоқ ҳимоясига уюштирилган пикет

Волоколамск питомнигида (Россия) сайғоқчалар дунга келди

Муғулистон сайғоғи болалар кўзи билан

Қозоғистонда сайғоқ ҳақида мультфильм яратилди

«Сайғоқ тарихи» – янги инглиз хужжатли фильми Сайғоқча Топалов-Крамник ўртасидаги шахмат матчининг тумори бўлиб қолди

Ҳатолар устидан ишлаш – мусиқа ва спорт юдузлари Хитой табиати ҳимоясига турдилар

Муғулистонда сайғоқ муҳофазасининг кучайиши

Муғулистон божхоначилари сайғоқ шохини ноқонуний олиб чиқиб кетилишини тўхтатиб қолдилар

Мақолалар шарҳи – 4-5 бетлар

Володина О. Ўтмиш ва келажак орасида. Қазақстанская правда, № 236 (25207) 25.10.2006

Илмий мақолалар – 5-10 бетлар

Юнеисус Х. Буюк Кўллар Воҳасида муғулистон сайғоғини тиклаш бўйича тавсиялар

Бергер К., Бергер Д. Муғулистон сайғоғи: WCS дала тадқиқотлари ва радио-белгилаш

Диркс Я. Мактаб ўқувчилари учун ўқув қўлланма сайғоқни сақлаб қолиш воситаси сифатида

Косбергенов М. Ўзбекистонда сайғоқлар Устюрт популяциясининг ҳолатини баҳолаш ва сақлаб қолиш бўйича тавсиялар

Плахов К.Н. Сайғоқ Орол-Каспий сувайирғичи ҳудудида

Арилова Н.Ю., Лушчекина А.А., Вознесенская В.В. Шимолий-Ғарбий Каспийолдида сайғоқ популяциясининг қайта тикланишини ўрганишда янги усул ҳақида

Лойиҳалар шарҳи – 10 бет

Устюрт супасида (Қозоғистон) даромаднинг альтернатив манбаини яратиш бўйича FFI лойиҳаси

Хитойда сайғоқ шохини савдосини ўрганиш бўйича лойиҳа

Янги нашриетлар – 10 бет

Алмати учрашуви – сайғоқни сақлаш соҳасида муҳим қадамдир

Сайғоқ (*Saiga tatarica tatarica*)ни бошқариш ва сақлаб қолишга қаратилган Ҳамжихатлик меморандумига имзо чеккан давлатларнинг биринчи кенгаши 2006 й. сентябрь ойининг 25-26 кунларида Алмати (Қозоғистон)да бўлиб ўтди. Кенгашда Қозоғистон, Ўзбекистон, Муғулистон, Россия, Хитой, ва шунингдек кўпгина ноҳукумат ташкилотлар вакиллари иштирок этдилар. Кенгашда Қозоғистон томонидан меморандумга имзо чекилди ва бу, битимни ишга киришини ифодалади. Бу ютуқ кўчиб юрвчи турлар (CMS) бўйича Конвенция Котиблиги ва бошқа жалб этилган мутахассислар томонидан сўнгги йилларда қилинган матонатли ҳаракатлари туфайли амалга ошди. Шунингдек учта халқаро НПО вакиллари: Фауна ва Флора Халқаро Фонди (FFI), Франкфурт зоологик жамияти (FZS) ва Ёввойи табиатни муҳофаза қилиш (WCS) жамиятлари ҳамкор ташкилотлар сифатида ҲМга имзо чекдилар.



Наурызбай Хадиркеев ва Лайл Гловка ҲМга имзо чекишдан кейин; Дэвид Мэллоннинг кенгаши очилишида сўзга чиқishi. А.Есипов сурати.



CMS учрашуви олдидан IUCN барқарор фойдаланиш бўйича мутахассислар Гуруҳининг Европа бўлими ва Табиатни сақлаш халқаро иттифоқининг турлар омон қолиши бўйича Комиссиясининг антилопалар бўйича мутахассислар Гуруҳи (IUCN/SSC) ташкил этган икки кунлик техник семинари бўлиб ўтди. Семинар ишида 50дан ортиқроқ одам, шу жумладан ҳамма ареал мамлакатларининг расмий вакиллари, олимлар, кўпайтириш бўйича мутахассислар, кўриқланадиган табиий ҳудудлар ходимлари ва сайғоқ ови маҳсулотининг истъомолчилари иштирок этдилар. Семинарда сайғоқ билан ишлайдиган барча ташкилотлар қатнашдилар, бу сайғоқни сақлаб қолишда яна бир муҳим воқеа бўлди. CMS учрашуви олдидан миллий ҳисоботлар формаси ва лойиҳалар бўйича ҳисоботлар тарқатилган эди. Тўлдирилган формалар сайғоқ ареалининг 5та мамлакатлари ва Хитойдан, 22та турли лойиҳалардан олинди. Формалар шу кундаги лойиҳаларнинг қисқа таърифи жадвалларини тузишда ва сайғоқни сақлаб қолишдаги замонавий вазиятни тасвирлайдиган шарҳловчи ҳисобот учун ишлатилди. Техник семинар ҳисобот дастурини кўриб чиқиб, ўзгартиришлар киритди, сайғоқнинг 5та популяциясидан 3тасининг ҳолати бўйича маълумотларни янгилади ва CMS кенгаши учун тавсияларнинг якуний вариантини қабул қилди. Сайғоқ сонини бирмунча кўпайганлиги тўғрисида хабар берилди, бу вазиятни барқарорланиши ва баъзи популяциялар тикланишининг бошланиши мумкинлигини кўрсатади.

Шунингдек барқарор фойдаланиш бўйича мутахассислар Гуруҳининг Европа бўлими ва антилопалар бўйича мутахассислар Гуруҳлари томонидан тайёрланган ўрта муддатли Халқаро ҳаракат дастури ҳам музокара қилинди. Бу дастур ҲМ Ишлаш режасининг қисми бўлиб, кейинги 5 йилга ҳаракатларнинг устунлик йўналишларини ақс эттиради. Хужжатнинг асосий ғояси сайғоқни барқарор фойдаланиш мумкин бўлган даражагача тикланишдадир. Дастур техник семинарда тематик ишчи гуруҳлари томонидан кўриб чиқилди. Дастурнинг тўғрилланган варианты ҲМ кенгаши учун тавсия қилинди. Сўнг миллий вакиллар кейинги техник семинар икки йилдан кейин бўлиши ва кўрсатилган тартибга мувофиқ ўтиши лозимлиги тўғрисида келишиб олдилар. Техник семинар ва ҲМга имзо чеккан давлатлар кенгаши конструктив муҳитда ўтди ва яхши натижаларга эришди. CMS ва Қозоғистон Республикаси овчилик ва ўрмончилик Қўмитасига ўз миннатдорчилигимизни билдираемиз.

Дэвид Мэллон, антилопалар бўйича мутахассислар гуруҳи IUCN/SSC, d.mallon@zoo.co.uk; редакциядан: кенгашининг барча хужжатларини рус ва инглиз тилларда http://www.cms.int/species/saiga/1st_saiga_range_states_meeting.htm CMS веб-сайтдан олишингиз мумкин.

Редакция коллегия. Буюк Британия: Э.Дж.Милнер-Гулланд, Империял Колледж Лондон (e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk); Қозоғистон: А.Бекенов и Ю.Г.Грачев, Зоология институти (terio@nursat.kz); Хитой: А.Канг, WCS Хитой (yqiling@online.sh.cn); Монголия: Б. Лхагвасурен, Биология институти (ecolab@magicnet.mn) ва Е.Онон, WWF-Монголия (mpo-species@wwf.mn); Россия: Ю.Арилов, Қалмоғистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази (kalmisaigak@elista.ru) ва А.Лушчекина, Экология ва эволюция муаммолари институти (mab.ru@relcom.ru); Туркменистон: Дж. Сапармуратов, Чўл, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёси Миллий институти (sjuma@untuk.org); Ўзбекистон: Е.Бикова ва А.Есипов, Зоология институти (esip@tkt.uz).

Материалларингизни 6 тилнинг бирида юборишингизни сўраймиз. Илтимос, esip@tkt.uz манзилига еки муҳаррирларнинг бирига юборинг. Бюллетень йилига икки марта чиқади.

Бу нашрдан online <http://saigak.biodiversity.ru/publications.html>, www.iccs.org.uk/saiganews.htm ва <http://www.wildlifewarden.net/wcs/mini/Saiga-Chinese.pdf> да ва яна pdf форматда еки талаб бўйича инглиз, қозоқ, хитой, монгол, ўзбек ва рус тилларидаги матндан фойдаланиш мумкин.



молиявий ердамида
чоп этилади
Биргалиқда маблағ
билан таъминлаш



ХАЛҚАРО ВА РЕГИОНАЛ Янгиликлар



INTAS лойиҳаси ҳамкорларининг якуний учрашуви – сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқнинг туғилиши

INTAS «Кескин хавф остидаги сайга антилопасининг репродуктив экологияси» лойиҳаси иштирокчиларининг якуний учрашуви 2006 й. 21-22 сентябрларида Қозоғистон, Алмати ш. бўлиб ўтди. Учрашув бизларга илмий натижалар ва ғоялар билан алмашишга, таҳлил стратегиясини уйғунлаштиришга, лойиҳа якунигача (2007 й. март ойи) бўлган сўнгги даврнинг натижаларини босиб чиқаришга имкон берди. Лойиҳа Қозоғистон, Ўзбекистон ва Россияда бажарилди. Асосий мақсади сайғоқ подаларининг тарқалиши ва тавсифи, репродуктив муваффақиятни кузатишнинг ноинвазив усуллари бўйича маълумотларни ўзига оладиган, мониторинг қарорларини тузиш ва тестдан ўтказишдан иборат эди. Лойиҳа ўз доирасида, инсонларнинг сайғоққа бўлган муносабати ва уларнинг бу турга нисбатан бўлган ахлоқининг социологик тадқиқотларини ўтказиш учун мониторингнинг бир хил стандарт воситаларини ишлаб чиққан, яқинда тугаган «Қишлоқ аҳолиси фаровонлигини оширишда сайғоқдан фойдаланиш» Дарвин Ташаббусининг лойиҳаси билан ҳам биргаликда ҳаракат қилди. Ва, ниҳоят, биз олимлар, маҳаллий аҳоли ва сиёсатчилар орасида сайғоқнинг экологияси ва сақлаб қолиш бўйича ахборот тарқатамиз.



Сайғоқ бўйича мутахассислар Алматида учрашдилар.
А.Есипов сурати.

Тадқиқотларимиз натижалари *Saiga News* (ушбу сонда гормонал таҳлил бўйича мақол. қар.) ва халқаро ойномаларда босиб чиқарилади. Шунингдек табиатни сақлаш сиёсати ҳам таъсиримиз бор. CMS Котиблагининг талабларига мувофиқ учрашувимизни сайғоқни сақлаб қолиш бўйича ҲМга имзо чеккан давлатлар кенгаши олдида ўтказилиши жуда муҳим эди. Бу INTAS командаси аъзоларига техник семинарда кейинги 5 йилга ўрта муддатли Ҳаракат дастурини мувофиқлаштириш учун, ўз амалий тажрибаларини тақдим этиб иштирок этишларига имкон берди. Бу ишнинг натижаларидан бири, Ҳаракат дастурининг муваффақияти, жоиз ноаниқликларни баҳолаш билан кечадиган, муносиб усуллар билан ўтказиладиган популяцион ҳисоботлар орқали баҳоланади деган фикр бўлди.

INTAS учрашуви вақтида бизлар сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқ тузиш янги ташаббусини музокара қилдик. Иттифоқ юсак вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган, барча учун соябон ташкилот бўладиган, тузувчилар сифатида биргаликда ишлаётган INTAS ва Дарвин Ташаббуси лойиҳаларининг иштирокчилари билан, бундай Иттифоқ тузиш бўйича расмий битим учрашувнинг асосий натижаси бўлиб қолди. Ушбу нашрдан бошлаб, *Saiga News* бюллетени сайғоқни сақлаб қолиш Иттифоқи ҳимоясида чиқади.

Шунингдек, яқинда Иттифоқ «Ёввойи табиатни муҳофазаси бўйича тармоқ» Америка ноҳукумат ташкилотига ҳамкорликка номзодлик мақомини олди ва ўз www.iccs.org.uk/SaigaAlliance.htm веб-сайтига эга.

Сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқнинг кейинги лойиҳаси қуйидаги ишлардан иборат: Дарвин Ташаббусининг кейинги «Сайғоқни сақлаб қолиш жараёнига жамоатчиликни жалб этиш йўллари баҳолаш» лойиҳаси орқали Қалмоғистонда маҳаллий аҳоли билан ишлаш; Ўзбекистонда ушбу йилда бошланадиган, маҳаллий аҳоли иштирокидаги мониторингни ривожлантириш; ва сунний йўлдош телеметрияси усули қўлландиган сайғоқнинг кўчиб ўтиш мониторинги. Бу лойиҳаларнинг бири бошланган бўлсада, бошқалари маблағ қидирмоқда. 2006 й. декабр ойдан Европа Иттифоқи INTAS лойиҳасини беҳатади. INTAS тасдиқлаши бўйича солиқ Совет Иттифоқининг Янги Мустақил Давлатлари учун лойиҳаларини маблағ билан таъминлаши, умумий илмий-тектириш бюджетининг (7 Дастур) қисмидай давом эттирилади, аммо бу амалда қандай кечиши тўғрисида бизда ҳеч қандай ахборот йўқ. INTAS 1995 йилдан узлуксиз сайғоқ бўйича тадқиқотларни қувватлаб келаётган эди, ва бу ёрдам сайғоқни самарали сақлаб қолиш учун керак бўлган ахборотни олишда жуда муҳим эди. Бундай маблағ манбаининг йўқолиши жуда ачинарли, бироқ бу INTASни нисбатан кичик грантлар учун рақобатга янада қобилиятли бўлишига олиб келади, шунинг учун, эҳтимол, бу янги тартиб ижобий қадам бўлиб қолади.

Қўшимча ахборот учун e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk Э.Дж. Милнер-Гулландга мурожаат қилинг.

Сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқ WCN Expo-2006да иштирок этди



Бу йил сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқ 6 октябрдан 8 октябргача АҚШ, Калифорния штати, Лос-Алтосда бўлиб ўтган ҳар йилги табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро кўргазма - Expo-2006да иштирок этиш учун таклиф қилинди. Expo-2006 кўргазмаси Еввойи табиатни сақлаб қолиш тармоғи (WCN) томонидан ташкил қилинди.



Биз Лос-Алтосга жамоат ва потенциал донорлар эътиборини сўнгги йилларда сайғоқ атрофида юзага келган жиддий вазиятга қаратиш учун бордик.

WCN сайёрамизнинг турли бурчакларида яшайдиган, хавф остидаги турларни узоқ муддатли сақлаб қолишда ердам бериш учун самарали ишляпти. Бундай кўргазмалар 2002 йилдан бошлаб ўтказилади. Улар кўп кутилган ҳодиса бўлиб, кўп инсонларни бирга йиғди. Булар йўқ бўлиб кетиш хавфи олдида турган турларни сақлаб қолиш билан шуғулланаётган олимлар, Халқаро табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ва табиат ишқивозларидир. Expo кўргазмасининг ўтказилиши ахборот ва тажриба билан кенг алмашинишда, ва орасида табиатни сақлаб қолишда ердани аямайдиған таниқли инсонлар бўлган, потенциал донорлар ва табиат муҳофазаси билан машғул инсонлар ўртасида ноформал учрашувларга шароит яратишда ердам беради.

Бошқа иштирокчилар жумласидан сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқ ҳам ҳамкори мақомига давогар бўлди, бу Иттифоқнинг ташкилот сифатида ривожланишига ва сайғоқни сақлаб қолиш бўйича лойиҳаларни ҳар томонлама ердам олиши учун имкониятлар беради. 2006 й. ноябр ойида сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқ WCNга ҳамкор номзоди мақомини олди, бу Expo-2007да иштирок этишимизга ижозат беради ва бизнинг ҳозирги ва келаси лойиҳаларимизнинг қўшимча маблағ билан таъминланишида имкониятларни оширади.

Қўшимча ахборот учун esipo@tkt.uz Елена Бикова ва e.j.milner-gulland@imperial.ac.uk, Э.Дж. Милнер-Гулландга мурожаат қилинг, ёки http://www.wildnet.org/expo2006_photos.htm WCN веб-сайтига ташриф этинг



Expo-2006 қатнашчилари; сайғоқни сақлаб қолиш бўйича Иттифоқнинг экспозицияси. С. Болл ва Е.Биковалар сурати

Ўзбекистонда сайгоқни сақлаб қолиш бўйича тўғарак стол бўлиб ўтди

2006 й. 15 август куни ЎзР табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат Қўмитасининг матбуот марказида сайгоқни сақлаб қолиш ва унинг Ўзбекистондаги яшаш жойлари билан боғлиқ бўлган саволларни музокара қилиш учун тўғарак стол бўлиб ўтди. Буни ЎзР Давлат Табиат Қўмитаси ва ЎзР ФА зоология институти ташкил этдилар. Тўғарак стол ўтказиш доирасида ушбу муаммо бўйича манфаатдор томонларнинг фикр алмашинуви бўлиб ўтди. 2006-2007 й.и. Ўзбекистонда сайга (*Saiga tatarica tatarica*) антилопасини қўриқлаш, тиклаш ва ундан барқарор фойдаланиш хусусида Халқаро ҳаракатлар режасининг бажарилиши бўйича тезкор чоралар иш дастури тақдим этилди. Бу билан бирга сайгоқни сақлаб қолиш ва унинг яшаш муҳити бўйича муассасалараро ишчи гуруҳини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Биринчи навбатдаги чоралардан кейингилар айтиб ўтилди: ихтисослаштирилган сайгоқни сақлаб қолиш хизматини ташкил этиш, мониторинг тизимини тузатиш, территориал қўриқлашни, «Сайгоқли» қўриқхонасини ландшафт (комплекс) қўриқхонага айлантириш орқали яхшилаш ва экоманарифат бўйича дастурлар ўтказиш. Сайгоқни сунний кўпайтириш бўйича қўриқхона тузишнинг маъқуллиги ҳақида савол қўйилди. Сайгоқ популяцияси ҳолатига, айниқса қурилиш режалаштирилган жойларида газ чиқариш, автомобил ва темир йўллари мумкин бўлган таъсирининг экспертизасини ўтказилиши муҳимлиги, экологик нормативларга риоя қилишнинг назоратини таъминлаш ва бу соҳаларнинг сайгоқ популяциясига бўлган таъсирини юмшатиш бўйича дастурлар ишлаб чиқишнинг муҳимлиги таъкидланади. Қўшимча маълумот учун esipo@tkt.uz, Е. Бикова ва А.Есиповга мурожаат қилинг.



Пўлат Реймов – Қорақалпоғистон табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат Қўмитаси раиси тўғарак стол иштирокчиларининг саволларига жавоб бермоқда. А. Есипов сурати.

Ўзбекистонда сайгоқ ҳимоясига уюштирилган пикет

2006 й. 6 октябрда Яшаш муҳитининг ҳимоялаш кунида "Ўзбекистон Ҳуқуқҳимояловчи Альянси" иштирокчиларнинг гуруҳи ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш бўйича Давлат Қўмитаси олдида пикет уюштирилди. Ҳуқуқҳимояловчилар ҳимоя хизматининг самарали ишини йўлга қўйган ҳолда, Устюрт супасида, сайгоқларнинг қирилишини тўхтатишни талаб қилдилар. Шунингдек улар Устюрт супасида газ разведкасини олиб бораётган «Газпром» ва «Лукойл» Россия компанияларини сайгоқ ҳолатига салбий таъсир етказиш мумкин бўлган режа ва ҳаракатлари билан жамоатчиликни кенгроқ хабардор қилишга чақирдилар. Батафсил <http://saigak.biodiversity.ru/news/121006.html> да.

Волоколамск питомнигида (Россия) сайгоқчалар дунегга келди

2006 й. 31 июлдан «Московский Комсомолец»нинг хабар беришича Москва зоопаркининг Волоколамск зоопитомнигида сайгоқчалар туғилди. Зоологлар бу ходисани шу йилнинг энг аҳамиятли ҳодисаси деб ҳисоблайдилар, чунки сайгоқларни боқиш жуда қийин – бу жониворлар жуда ҳуррак ва таъсирланувчан бўлиб, тез-тез касалланиб, ҳалок бўлади. Сўнги йилларда Волоколамск зоопитомнигида пода ўнлаб бошдан бир неча бошгача (3 эркак, 2 урғочи) қисқарган. Бироқ урғочилардан бири тўсатдан бир онда иккита сайгоқчалик бўлди. Зоопитомник ходимлари умид қиладики, энди сайгоқлар сони ҳамиша кўпайиб боради.

Муғулистон сайгоғи болалар кўзи билан

2006 й. 1 сентябрдан 15 октябргача Гоби-Олтой аймоғининг Дарви сомони раҳбарлигида ташкил этилган «Муғулистон сайгоғи болалар кўзи билан» болалар ижодий кўрик-танлови бўлиб ўтди. Энг яхши расм ва ижодий ишлар совринли ўринлар олиб, 2007 йилга календар яратишда ишлатилди. Календар WWF Муғулистон дастурлар офиси ердамида нашр этилиб, болалар ва ота-оналар орасида тарқатилди. Қўшимча ахборот учун onon@wwf.mn Е. Онон ва Б. Элбегзаяга мурожаат қилинг.



1-ўрин. Е. Серсен Демид, Дарви сомонидан

Ҳатолар устидан ишлаш – мусиқа ва спорт юлдузлари Хитой табиати ҳимоясига турдилар

2006 й. 2 август куни еввойи табиат ҳимоясига бўлиб ўтган пресс-конференцияда NBA юлдузи Яо Мин, машҳур хитой мусиқачиси Ли Хуань ва спорт афсонаси Ли Нин йўқолиб кетиш хавфи остидаги турлар ҳимоясига чиқдилар. Яо юқори иқтисодий эҳтиёж билан боғлиқ бўлган овлаш натижасида Хитойда 1960чи й.и. йўқ бўлиб кетган сайгоқ тақдири ҳақида сўзлаб берди. " Мен умид қиламан, - дейди у, бу фожеа бошқа еввойи ҳайвонлар билан қайтарилмайди".

Қозоғистонда сайгоқ ҳақида мультфильм яратилди

17 ноябр куни Қозоғистонда «Сага о сайгаке» 15-минутлик мультпликацион филмининг презентацияси бўлиб ўтди. Мультфильм устидаги иш «Сайгоқсиз чўл – келинсиз тўй» лойиҳа доирасида олиб борилди. Лойиҳа ташкилотчилари - Германия табиат муҳофазаси иттифоқи (NABU) ва «АниМастер» студияси. Лойиҳа «Global Nature Fund» фонди ва Шелл компанияси томонидан қўллаб-қувватланди. Қўшимча ахборот учун lenk@uni-greifswald.de Мартин Ленкга мурожаат қилинг.

«Сайгоқ тарихи» – янги инглиз хужжатли филм

Сайгоқ сонининг қисқариши юзасидан маҳаллий аҳоли нима деб ўйлайди? Нимага бу содир бўлди? Уларнинг фикрича, сайгоқни қутқариш учун нима қилиш керак? Империял Колледж Лондон аспиранти Алина Кюль ердамида, инглиз журналисти Джулия Миллс томонидан олинган хужжатли филмда Қозоғистон чўли аҳолисига бу саволларга жавоб беришга имкон туғилди. Филм инсон тарихи ва сайгоққа бўлган экологик хавф орасида алоқа ўтказади. Филмда сайгоқнинг ҳозирги вақт ва совет давридаги ҳолати ҳақида ҳикоя қилинган, Устюрт ва Бетпак-Дала аҳолисидан олинган интервью келтирилган. Совет Иттифоқининг йўқ бўлишидан кейинги оғир аҳвол ва ҳаёт муаммолари қандай қилиб сайгоққа таъсир кўрсатгани, сайгоқни ва узоқ регионларда яшовчи инсонларни келажақда қандай истиқболлар қутаетгани кўриб чиқилган. Филм премьераси яқинда Лондонда BBC 4 каналида ва Телерадиоэшиттириш бўйича Бутунжаҳон компаниясида бўлиб ўтди. Қўшимча ахборот учун jam1403@yahoo.co.uk Джулия Миллсга мурожаат қилинг.



Бозой қиш. (Устюрт, Қозоғистон) болалари кинематографистлар билан мароқли кундан кейин (чапда); Осербай Тилейжанугли, Бозой қишлоғидаги собиқ овчилардан бири, қопқон ердамида сайгоқ овлашнинг аънаванавий усулини кўрсатяпти (ўнеда). Д.Дж. Мюррелл сурати.





Сайғоқча Топалов-Крамник ўртасидаги шахмат матчининг тумори бўлиб қолди

Қалмоғистон рамзи – сайғоқча 2006 й. 21 сентябрдан 13 октябргача Элистада болгариялик Веселин Топалов ва россиялик Владимир Крамник ўртасида ўтказилган шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун матчининг расмий тумори бўлиб қолди. Эмблема лойиҳасининг муаллифи таниқли қалмиқ расмони Сергей Бадендаев. Батафсил http://www.elista.org/elista/index.php?option=com_content&task=view&id=758&Itemid=2 да.



Ирбис-3 браконьерликка қарши мобил гуруҳи. WWF, Муғулистон сурати.

Муғулистонда сайғоқ муҳофазасининг кучайиши

2006 й. 14-17 сентябр кунлари Гоби-Олтой аймағида сайғоқни кўриқлаш бўйича назоратчиларининг Ғарбий Муғулистон, Олтой-Саянск экорегионида ишлайдиган, Ирбис-1 ва Ирбис-3 браконьерликка қарши мобил гуруҳлар иштирокчилари билан биргалигидаги тренинги ўтказилди. Сайғоқни кўриқлаш бўйича назоратчилар тизими, сайғоқни кўриқлаш бўйича WWF-Муғулистон лойиҳаси доирасида 1998 й. охирида тузилган, волонтерлар норасмий бирлашмаси бўлади (Saiga News, 2 қаранг).

Ирбис-3 браконьерликка қарши мобил гуруҳи ҳар ой камида 5-7 кун давомида сайғоқнинг яшаш жойларини патруллик қилади. Бу ҳаракат натижасида сайғоқ шохини ноқонуний савдосининг 5та ҳолати аниқланган, бузғунчиларга жарима солинган. Ирбис-3 аъзолари патруллик бўйича доимий ишларини, сайғоққа қаратилган браконьерликни қисқартириш мақсадида, табиатни муҳофаза қилиш қонунларини оммалаштириш билан бирга олиб бордилар. Қўшимча ахборот учун WWF-Муғулистон, anon@wwf.mn Е. Онон ва Б. Элбегзаяга мурожаат қилинг.

Муғулистон божхоначилари сайғоқ шохини ноқонуний олиб чиқиб кетилишини тўхтатиб қолдилар



Д-р Б.Лхагвасурен мусодара қилинган шохларни кенжа турга мансублигини аниқламоқда. Б. Чимеддорж сурати.

Муғулистон сайғоқ шохлари савдоси учун юк тушириш ва ортиш мамлакатларидан биридир. 2006 й. июн ойида Хитой билан чегарада Муғулистон божхоначилари томонидан икки Муғулистон фуқароси 36та сайғоқ шохини билан тўхтатиб қолинди. Далиллар асосида жиноий иш кўзгатилди. Айбланувчиларнинг айтишича, бу шохларни қозоғистонлик олибсотарлардан тасодифан сотиб олишган. Ҳақиқатдан ҳам мусодара қилинган шохлар, сайғоқларнинг вазни унча катта бўлмаган муғулистон кенжа турига тегишли эмасди. Афтидан улар Россия ёки Қозоғистон ҳудудидан олиб чиқилган. Муғулистон қонунлари бўйича жиноятчиларни катта пул жаримаси, еки аниқланган муддатга қамоқ жазоси кутмоқда. Иш прокуратурага ўтказилган. Бу ҳол сайғоқ ареали бўйлаб браконьерлик билан курашишни кучайиши, шу жумладан божхона назоратини кучайишининг яққол мисоли. Бироқ, яна қанча тўхтатиб қолинмаган жиноятчилар Муғулистон ва бошқа сайғоқ яшайдиган давлатлар чегарасини ноқонуний юк билан кесиб ўтганини ҳеч ким аниқ билмайди. Ноқонуний олинаётган шохлар ҳажмини билиш учун бундай маълумотлар билан алмашинув, айнқица Хитой томони билан, ғоят муҳимдир. Қўшимча ахборот учун ecolab@magicnet.mn Б. Лхагвасуренга мурожаат қилинг.

Мақолалар шарҳи

Қозоғистон: *Казахстанская правда*, № 236 (25207) 25.10.2006

Ўтмиш ва келажак орасида

Қозоғистон сайғоқни кўриқлаш бўйича халқаро ҳужжатга имзо чекди, бу ҳақида Алматида ўтган сайғоқнинг тикланиши бўйича Ҳамжихатлик меморандумини имзолаган иштирокчиларнинг биринчи кенгашида маълум бўлди.

Тўғри йўлда

Ҳозирги кунда Қозоғистонда ҳайвонларни кўриқлаш ихтисосланган хизматлари сайғоқнинг барча яшаш жойларини қамраб олган. Улар Марказий кўриқлаш хизмати, 3та филиали ва 6та таянч пунктларидан иборат. Мобил, яхши жиҳозланган назоратчилар гуруҳлари йил давомида вахта усулида ишлайдилар. Уч йил ичида браконьерликнинг 67 ҳолати аниқланган, табиатни кўриқлаш қонунларини бузган 99 шахс тутилган, 110 сайга нимтаси, 22 транспорт воситаси ва 46 дона қурол мусодара қилинган. Ҳамма айбдорлар жавобгарликка тортилди.

Амалий кўриқлашни ташкил этилиши ва лойиҳани давлат томонидан йиллик маблағ билан таъминланиши сайга сонини 2006 йилга 49,3 минг бошгача кўпайтиришга имкон берди. Жониворларнинг сонини кўпайишига бўрилар сонини бошқариш ва чўл антилопасини кўчиб ўтиш ва болалашини кузатиб бориш ҳам ердам берди. Унинг яшаш жойларига фақатгина мутахассис-зоологлар келиб қолмай, балки «сайғоқ мавзусига бағишланган» кўпгина видеороликлар олган, талайгина мақолалар езган, журналистлар ҳам келади, ва бу муаммога хусусий капитал вакилларини жалб этишда ижобий таъсир кўрсатади. Масалан «Seimar Social Fund» хусусий ҳайрия фонди ўтиш мумкинлиги баланд бўлган, йўлдош навигацияси ва алоқа воситалари билан жиҳозланган 14та автомобилни бепул топширди ва назоратчиларни формали кийим билан таъминлади. «Охотзоопром» ПО мутахассислари Зоология институти илмий ходимлари билан биргаликда сайғоқ сонининг йиллик баҳорги-кузги ҳисоблашини ўтказадилар.

Қозоғистонда халқаро ташкилотларнинг сайғоқни сақлаб қолишдаги ҳиссаси ҳам катта. СИТЕС, кўчиб юривчи ҳайвонлар бўйича Конвенция Котиблиги ва Еввойи табиатни муҳофаза қилиш Жаҳон фонди сайғоқ ареали мамлакатлари учун, популяцияни оптимал даражагача тиклаш бўйича тадбирларнинг аниқ рўйхати кўрсатилган иш режасини ишлаб чиқиш ташаббускори бўлдилар.

Кўриқлаш ва тиклаш бўйича асосий муаммолар, уларнинг муҳофазаси керакли даражада бўлмаган. Ўзбекистонга кейин Туркманистонга кўчиб ўтадиган Устюрт популяцияси билан юзага келади, - дейди ҚР ҚХВ Овчилик ва ўрмончилик хўжалиги Қўмитасининг раиси Наурузбай Хадиркеев. Келажакда ўрол популяцияси билан ҳам муаммолар юзага келиши мумкин, чунки унинг сонини кўпайишида, популяция Россияга кўчиб ўтади. Бизлар ареал мамлакатларига биргаликда сайғоқни сақлаб қолиш ва тиклаш муаммосини ечишда ердам берувчи, кучга кирган меморандум билан катта умидлар боғлаймиз.

Уларда қандай?

Россияда, Қалмоғистон республикаси ҳудудида Европа сайгоғи яшайди. «1997 йилда Қалмоғистон овчилик бошқармаси томонидан Европа сайгоғининг 270 мингдан ортиқ сони ҳисобга олинган эди», - ҳикоя қилади Қалмоғистон республикаси Еввойи ҳайвонлар Маркази директори Юрий Арилов. «Аммо, Қалмоғистон овчилик бошқармаси ва «Центрохотконтроль» давлат идораси томонидан 2000чи й. май ойида ўтказилган авиаучет популяцияни 24-25 минг бошгача кескин камайиб кетганини кўрсатди. Бу вазиятдан чиқиб кетиш йўлини ахтардик. Ноеб ва йўқ бўлиб кетиш арафасида турган ҳайвонлар муҳофазасининг, ҳамма қабул қилган механизмларидан бири – биология ва кўпайиш хусусиятларини ўрганиш учун вольер популяциясини тузиш, кейинчалик бир қисмини табиатга қўйиб юбориш мақсадида тутқинликда кўпайтириш. Бу бизнинг имконимиз эди. Хозирги кунда Европа сайгоғининг тутқинликдаги кичик подаси Қалмоғистон республикаси Еввойи ҳайвонлар Марказининг базасида бор».

Кўриш майдонидан ташқарида...

1990чи йилларда Ўзбекистонда ҳаётни ҳамма тармоқларида ўзгаришлар содир бўлганда, Сайгоқлар ҳам тегишли (табиатни муҳофаза қилиш) структураларнинг кўриш майдонидан ташқарида қолдилар. Бундан уздабурон инсонлар фойдаландилар. 1991 йилдаёқ «Сайгоқли» заказнигини тузишга қарор қилинганлигига қарамай, аҳвол ханузгача яхши тарафга ўзгармади. Ва яқиндагина Ўзбекистон, орасида Кўчиб юрвучи турлар бўйича Конвенция ва биохилма-хилликни сақлаб қолиш Конвенциялари бўлган, бир қатор конвенцияларга имзо чекиб, бу муаммога киришди. Ушбу ва бошқа мавжуд бўлган халқаро ҳужжатларга мувофиқ сайгоқни сақлаб қолиш бўйича Иш режаси ишлаб чиқилди, бу табиатни муҳофаза қилиш муассасаларига ҳаракат қилишга қўлланма бўлиши мумкин.

Умид бор

Яқуний чиқишларда кенгаш иштирокчилари сайгоқни сақлаб қолиш ва тиклаш ишларини тезда бошланишига умид қилиб қолдилар. Бу жониворларнинг муҳофазаси вақтинчалик кампания бўлиб қолмаслиги керак: браконьерликга қарши ҳаракатларни кенгайтириш мақбулдир, мактаб ва жамоат штабларини ташкиллаштириш, кенг оммада чўлимиз рамзига ғамхўрлик муносабатини шакллантириб, билим бериш. Бу жониворларни келажак авлодлар учун сақлаб қолиш жуда муҳимдир.

Ольга Володина

Батафсил <http://www.kazpravda.kz/index.php?uin=1152013916&chapter=1160770329> да.

Илмий мақолалар



Буюк Кўллар Воҳасида муғулистон сайгоғини тиклаш бўйича тавсиялар

Хартмут Юнгиус
WWF International



Д-р Х. Юнгиус команда билан Буюк Кўллар Воҳасида (Муғулистон). Б. Чимеддорж сурати.



Қалмоғистон Республикаси Еввойи ҳайвонлар Маркази билан ҳамкорлик бўйича саволлар музокараси. (чапдан ўнга: Х.Юнгиус, В.Неронов, Ю.Арилов, В.Даньков). А.Лушчеккина сурати.

Муғулистон сайгоғи – Муғулистон эндемиги. У Муғулистон Қизил китоби, МСОП Қизил китоби ва СИТЕСнинг 1 Иловасига киритилган. Бир неча йил давомида, бўш ҳуқуқий база натижаси бўлган чорва моллари билан бўлган рақобат ва браконьерликка қарши самарали патруллари маблағ билан емон таъминланганлигига боғлиқ ноқонуний овлаш оқибатида сайгоқнинг сони ва тарқалиши қисқариб бормоқда. Сайгоқ популяциясининг ҳозирги кундаги ҳолати ташвишга солмоқда; 1500га яқин жонивор 2005 йилда йўқ бўлиб кетди. Муғулистон биохилма-хиллик бўйича Конвенцияга (CBD) имзо чекиди, бу билан сайгоқни сақлаб қолиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олди. Кўпайтириш бўйича марказнинг тузилиши, кўриқлашни яхшилаш ва яйловларни бошқариш билан бирга ҳайвонларни табиатга чиқариш орқали популяцияни тиклаш ва сақлаш учун асосий чора-тадбирдир. СИТЕС, WWF, ХМ имзо чеккан давлатларнинг биринчи кенгаши, миллий ва халқаро уюшмалар тавсия қилгандек, кўпайтириш бўйича питомникнинг тузилиши Муғулистон ҳукумати учун биринчи ўринда бўлади. Атроф Муҳит Вазирлиги бундай лойиҳани амалга оширишга тайер ва бу вазифани бажарилишига WWFдан ердан сўради. MAVA Foundation молиявий ердами туфайли, Муғулистон ва россиялик олимлар, ҳамда WWF мутахассислари томонидан техник-иқтисодий асос тайерланди. Турнинг олдинги тарқалиш ва потенциал яшаш жойлари ҳақида маълумот олиш, яшаш жойларининг аҳолини баҳолаш ва ҳайвонларни кўпайтириб кейинчалик қўйиб юбориш билан популяцияни тиклашга Кўпайтириш бўйича марказ учун энг қулай жой аниқлаш мақсадида текширишларимиз Буюк Кўллар Воҳасига қаратилди.

Турнинг биологик ва экологик параметрлари ва унинг яшаш жойлари таҳлил қилинди. Шунигиндек, сайгоқ ареалида чўпонлар оилалари фойдаланадиган яйловларни йиллик ўрганишни ўзига киритган, уй ҳайвонлари билан рақобат даражаси аниқланди. Дала текширишлари сайгоқнинг замонавий ва потенциал яшаш жойлари Шаргин Гоби, Хуйсин Гоби, Хомин Тал ва Дурген Талларда ўтказилди.

Қилинган хулосага кўра, лойиҳани амалга ошириш учун энг яхши шароитлар Дурген Талда бор:

- Табиий яйловлар йил бўйи яхши озуқа шароитлари ва сувнинг борлиги билан ажралиб туради.
- Джаргаланг тоғ тизмаси совуқ шимолий ва ғарбий шамоллардан жуда яхши ҳимоя қилади.
- Ез ва қиш мавсумларида бу ерда моллар унча кўп бўлмаган миқдорда ўтлайди, аммо баҳор ва кузда, кўчманчилар тоғлардан пастга, кўл ва қудуқлар яқинида тоғ этагида жойлашган янги яйловларга тушганда, баъзи жойларда ҳаддан ташқари ўтлатиш кузатилади.
- Питомник ташқарисидаги, уй чорвасидан холи бўлган, катта қўламдаги минтақа кўпайтириш ва табиатга чиқариш учун ишлатилиши мумкин.
- Сайгоқни Дурген Талда чиқарилиши бу регионнинг шимолий қисмида популяциянинг кўпайиши ва мустахкамланишига ердан беради ва унинг шимолга, ареалининг тарихий қисмига тарқалишига ундайди.
- Лойиҳани амалга оширишнинг биринчи қадамларига шу ерли чўпонлар билан музокаралар киради. Бу жараенни Атроф муҳит Вазирлиги, маҳаллий маъмурият вакиллари ва WWF бошқаради. Марказ қурилишига ажратилган жой ва унинг атрофидаги 20 000 га, ўтловдан холи, сувга яқин ерлар хусусида чўпонлар билан битимга келмоқ лозим. Бу бадал талаб қилади ва шунинг учун Хомин Тал ва Хустейн Нурудаги лойиҳалар тажрибасидан фойдаланилади. Қайта тиклаш дастури Қалмоғистонда олинган тажрибага таянади, ва муғулистон мутахассисларининг Қалмоғистонда ўқиши, қалмиқ экспертларининг дастурни юрғизишдаги ерданидан иборат бўлади.

•Сақлаш ва, мумкин бўлганча, яйловлар ҳолатини яхшилаш учун лойиҳа яйловларни ҳар тарафлама бошқариш бўйича дастур билан баробар бориши керак. Маҳаллий аҳолини лойиҳа мақсадларидан хабардор қилиш ва уларнинг ердан беришга розилигини олиш учун маориф ва информацион кампанияларини бошлаш лозим. Ешлар клубларини яратиш тўғрисида ўйлаб кўриш керак. Сайғоқ ареалида браконьерликка қарши ҳаракатларни кучайтириш зарур; бу браконьерликка қарши мобил гуруҳини ўзига киритиши керак. Бу каби дастур ҳеч бўлмаганда 6 -8 йил давомида қувватланиб туриши керак. Урғочилари 7-8 ойларга етилади, эркак эса фақат 1,5 йилдан кейин. Вольер популяциясини тузиш ва жониворларнинг мунтазам чиқаришга етарли сонини ўстириш 3 йилни эгаллайди. Лойиҳа мақсадларига эришиш учун йилига кейинги чиқаришларни ўтказиш керак бўлади. Ҳозир керакли бўлган маблағ изланмоқда.



WCS дала командаси Шарға табиий резерватида еши катта урғочига радио-бўйинбоғни ўрнатмоқда. Бергер сурати.

Муғулистон сайғоғи: WCS дала тадқиқотлари ва радио-белгилаш

Ким ва Джоэл Бергер

Еввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти, kberger@wcs.org



2006 й. август ойида Еввойи табиатни муҳофаза қилиш жамияти (WCS) Муғулистон Фанлар Академияси биргалигида Ғарбий Муғулистонда сайғоқлар ва уларнинг яшаш жойларининг дала тадқиқотларини ўтказдилар. Бунда 2та мақсад қўйилган эди: сайғоқларнинг силжиши ва омон қолиш имкониятларини ўрганиш учун уларни тутиш ва белгилаш; популяция сони ва унинг келажақда ўзгаришга мойиллигини баҳолаш. Бу мақсадлар 2005 й. давлат, хусусий ва нодавлат ташкилотларига ташриф этганда, ҳамда табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислар ва Муғулистон олимлари билан консултациялар вақтида олинган маълумотлар асосида бажарилди. Дала ишлари 2006 й. Джоэл ва Ким Бергер томонидан WCS Муғулистон дастури директори Аманда Файн ва МФА номидан сут эмизувчилар экологияси лабораториясининг мудирини Б. Лхагвасуренлар биргалигида бажарилди. Шунингдек дала ишларида биолог Б. Буувейбаатар (Муғулистон ФА), Майк Дунбар (АҚШ Қишлоқ хўжалиги департаментидан ветеринар) ва З. Намшир – ветеринар, Фанлар Академиясининг собиқ ходими ердан бердилар. Тадқиқот Миллий Географик Жамияти томонидан маблағ билан таъминланди.

Тўрлар ердамида, 13та сайғоқ (2 эркак, 9 урғочи ва 2 боласи) муваффақиятли тутиб олинди. 8та катта урғочиси, 2007 й. июл ойигача силжиш ва омон қолиш бўйича маълумотларни белгилайдиган, GPS, еки сунний йўлдош радио-бўйинбоғлар билан таъминланди. Ҳайвонлар билан ҳаракатлар ўртача 6,5 мин. бориб, бунда ҳаракатсизлантириш ишлатилмади. Ҳамма жониворлар тутиш вақтида яхши жисмоний ҳолатда бўлиб, тутишдан 3 hafta кейин ҳам тирик эди. Кейинги генетик ва паразитологик тадқиқотлар, ҳамда касалликлар мавжудлигини аниқлаш учун қон, жунг ва гўннинг наъмуналари олинди. Тутишдан кейин команда сайғоқларни сақлаш учун WWF ҳимоясида ишлаётган маҳаллий назоратчиларни радио-белгилаш техникасига ўргатишни олиб борди. Улар Бергерларнинг АҚШга қайтишидан сўнг белгиланган ҳайвонларни кузатадилар.

Тутишнинг муваффақияти қизиқ кетмасликка имкон берган, таъқиблашнинг чекланган вақти билан боғлиқ. Барча ҳайвонлар каби, сайғоқ ҳам еввойи ҳайвонларни тутиш ва улар билан манипуляция қилиш билан боғлиқ касаллик – миопатияга сезгир бўлади. Миопатиянинг биринчи белгиларидан гипертермия, еки тана ҳароратининг кўтарилиши бўлади. Бу манипуляциялар вақтида юзага келадиган қаттиқ ҳаяжон ва кўркүв сабабли, ҳамда жонивор узоқ вақт давомида таъқиб қилиниши натижасидаги зўриқиш туфайли содир бўлади, жисмоний ҳолати ва атроф-муҳит ҳарорати каби омиллар ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Миопатиядан ўлим бир онли, еки тутиш вақтида мушак ва буйрак шикастланиши натижасида, тутишдан кейинги 2 haftaгача бўлган давр ичида бўлиши мумкин. Шундай қилиб, тутиш муолажаларининг натижалари келгуси радио-белгилаш тадқиқотлари учун жуда муҳимдир, негаки улар хавфсиз тутиш ва сайғоқ билан манипуляция қилишни кўрсатади, мадомики тутиш вақти ва ўзаро таъсир кўрсатиш минимумга келтирилган.

Чўпонлар оилалари билан биргаликда ишлаб, команда Шарға табиий резервати ва унинг атрофи ҳудудида уй қўйларини GPS бўйинбоғлари билан таъминлади. Бу бўйинбоғлардан олинган маълумот яшаш жойларни уй чорваси ва сайғоқ томонидан фойдаланишининг алоқасини баҳолашда ишлатилади. Шаргин Гобида сайғоқларни участкалар бўйича тақсимланишига таъсир кўрсатадиган омилларни баҳолаш бўйича маълумотлар йиғиш ва сайғоқнинг кўпчилигини баҳолаш учун команда 2 hafta давомида 360 км (харитани қ.) га узайган трансект белгилади. Маршрут текширишда трансектада 500 яқин сайғоқлар белгиланди. Шаргин Гоби учун популяцион баҳосини олиш учун, кейинги ойларда олинган маълумотлар Distance дастури ердамида таҳлил қилинади.

Мактаб ўқувчилари учун ўқув қўлланма сайғоқни сақлаб қолиш воситаси сифатида

Ян Диркс

NABU- «Евразия» ишчи гуруҳи, ботаника ва ландшафт экологияси институти, Грейфсвальд университети, Германия

2004 й. кузида мен DAAD Германия академик алмашинуви хизматидан, овлаш натижасида йўқ бўлиб кетиш ҳавфи олдида турган кескин ҳолатдаги тур – сайғоқни сақлаб қолиш учун зарур бўлган чораларни аниқлашга ёрдам олдим. Сўровлар шуни кўрсатдики, сайғоқларни кўпинча 13-14 ёшли ўсмирлар мотоциклларда ўлдирдилар. Қурол ишлатмасдан ҳам, бу ўсмирлар эркак сайғоқларни ўлгунча хоритадилар. Улар нуқтаи назаридан бу усул қулай, чунки қишлоқ жойда мотоциклларни топиш онсон, кўпчилигининг рақами бўлмагани сабабли уларни тутиш жуда мушкул. Болалар бундай браконьерликка саргузаштга қарагандай қарайдилар: бу тенгқурларининг орасида хурматини оширади ва юқори даромад келтиради.

Давлат ва халқаро ноҳукумат ташкилотлар ҳавф остидаги сайғоқни сақлаб қолишга ҳаракат қилганларида диққати ва моддий ёрдами (750 000 € яқин) браконьерларни тўхтатиш мақсадида сайғоқнинг яшаш жойларини патруллик қиладиган, яхши жиҳозланган «браконьерликка қарши бригадалар»нинг ишига қаратадилар. Браконьерликни ҳақиқатан тўхталишида бундай бригадаларнинг ютуғи шубҳалидир, ва биз ўйлаймизки бу турнинг муҳофазаси учун қўлланishi мумкин бўлган, «сайғоқни сақлаш воситалари тўпламида» бошқа қўшимча имкониятлар бор. Кўпчилик қишлоқ аҳолисининг фикрича совет даврининг «илгариги яхши замонларида» улар нормал яшаш учун маблағ билан таъминланганлар, ҳозир эса йўқ. Одамларнинг кўпчилиги қашшоқликда ёки унга яқин аҳволда яшаётганда, кимки даромад олишга (масалан браконьерлик йўли билан) тўсиқлик қилса, чамаси, у душман сифатида қабул қилинади. Ҳарбийлаштирилган браконьерликка қарши бригадаларнинг пайдо бўлиши табиатни муҳофаза қилишда кўрқитишга асосланган классик авторитар ёндашишни кўрсатади.

Менинг тахминимча, маҳаллий аҳолининг кўпчилиги бригадаларни ёқтирмайди, чунки аҳолининг фикрича, бригадалар улар устидан ҳукмронлик қиладилар, бу ёқтирмаслик эса сайғоққа нисбатан ҳам ўтказилади. Шундай қилиб жониворлар маҳаллий аҳолининг қашшоқлиги, браконьерликка қарши бригадаларнинг қатъий имиджи билан кучайтирилаётган ҳукуматнинг бефарқлигидан азобланади, ва натижада сайғоқни сақлаб қолишда ноустувор асосга олиб келади.

Маҳаллий аҳолининг ҳеч бўлмаганда бир қисмида бу ноёб турни кўриқлашга зарурат бўлганда ва жамият жониворни ижобий баҳолагандагина муҳофаза муваффақиятли бўлади. Агарда:

- қишлоқ аҳолисига сайғоқ ва уни кўриқлаш зарурияти ҳақида чуқур таълим берилмаса,
- узоқда жойлашган қишлоқларда яшаш даражаси кўтарилмаса,
- сайғоқни сақлаб қолиш амалда фақатгина қуролланган гуруҳлар ҳаракатига оборилса, ва
- жойларда сайғоққа нисбатан ҳеч қандай қизиқиш бўлмаса бундай бўлиши гўмон.

Бизнинг тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, мактаб ўқувчилари, айниқса мотоциклдаги браконьерларнинг кейинги авлоди бўлиб улгурмаган ёшдагилар учун, сайғоқ ҳақида таълим материаллари етишмайди. Билим билан таъминлаб ва ўқув қўлланмалар орқали сайғоқнинг ижобий образини яратиб, биз тушуниш ва табиат муҳофазаси ғояларини қабул қилиш ўғитларини экишга умид қиламиз. Китобда ўқувчиларга (ва бир қанча даражада уларнинг ота-оналарига) тақдим этилаётган маълумотлар ёрдамида, биз бу қишлоқ жойларда сайғоққа браконьерликни мақуллашни камайтиришга уриядимиз. .

Сайғоқ бўйича ўқув қўлланмасини яратиш NABU лойиҳасидир. У рус тилида чоп этилди ва яқинда қозоқ тилида нашр этилади. Қўлланма сайғоқ яшаш жойларининг яқинида жойлашган, аҳоли пунктларида яшайдиган 9-13 ешли болаларга мўлжалланиб, уларни бу ноёб ҳайвон ва унинг хавф остидаги ҳолати билан таништиради. Мундарижа икки қисмдан иборат: биринчи қисм кичик болалар учун бўлиб, сайғоқ тўғрисидаги афсона ва эртақлардан, ҳамда шеър ва расмлардан иборатдир. Бутун китоб давомида ўқувчиларга сайғоқнинг мультипликацион образи ҳамроҳ бўлади. 12-13 ешли ўқувчиларга мўлжалланган китобнинг 2 қисмда сайғоқнинг биология ва экологияси, унинг экотизимига бўлган хавф, сақлаб қолишдаги зарур чоралар ва сайғоқни сақлаб қолиш учун дунеда бошланган баъзи бир ҳаракатлар тўғрисида далиллар келтирилган. Бу қисмда сайғоқни сақлаб қолиш учун болалар жойларда нима қилишлари мумкинлиги кўрсатилган. Ўқувчилар учун ўқув қўлланма яратишда лойиҳанинг асосий вазифалари:

- сайғоқ бўйича билимларни Қозоғистон ва қўшни давлатларда тақдим этиш,
- Қозоғистон ва қўшни давлатларда сайғоққа бўлган муносабатни яхшилаш,
- браконьерликни мақулланишини қисқартириш,
- фуқаро жамиятининг янги аъзоларини сайғоқни сақлаб қолиш бўйича ҳаракатга бирлаштириш, ва
- табиатни муҳофаза қилиш ҳаракатларига ижодий ердан кўрсатиш.

Ўқув қўлланма - бу замонавий браконьерликка қарши ҳаракатга нисбатан «яхшироқ» ечим деган даъвони қилиш учун яратилмаган. Китоб инсонларни сайғоқни сақлаб қолиш учун ўз ижодий ғояларини яратишга илҳомлаштиришга уринади. Биз табиатни муҳофаза қилишда бир бирини тўлдирадиган ендашишларга муҳтожмиз. Қуролланган бригадалар томонидан кўрсатилган куч кўп иттифоқдошларни жалб этолмайди; ижобий образ ва қизиқарли маълумотлар шундайки, буларни ҳамма, хатто Марказий Осиенинг энг қашшоқ ҳудудларида ҳам, баҳолаб ва иштирок эта олади. Биринчи навбатда бу, китобда берилган материаллардан фойдаланиб, ўз ота-оналарини ноқонуний овлашда қатнашмасликка ўргатадиган, болаларга талукли. Китоб инсонларнинг бу ноёб ҳайвонларнинг моҳияти тўғрисида фикрларини ўзгартириш учун мўлжалланган. Ва, ниҳоят, ўқув қўлланма замонавий ендашишларга нисбатан, «сайғоқни сақлаб қолиш тўпламида» даярли арзон воситаси бўлади.

Китоб карагандалик ҳамкорларимиз (Қозоғистон, «ЭкоОбраз» ва «Арлан» -ноҳукумат ташкил.) – ўқитувчилар ва биологлар биргалигида, NABU ва Урзула Мерц Немис фондининг молиявий ердамида тайерланди. Рус матни учун WWF-Россия, Франкфурт зоологик жамияти (ZGF) ва INTAS Халқаро ассоциациясидан қўшимча молиявий ердан олинди. Қозоқ тилидаги нашрига Seimar Social Fund (Алмати, Қозоғистон) молиявий ердан кўрсатади. Икки тилдаги тиражи (қозоқ ва рус тилларида) қўшимча молиявий ердада қўшимча тираж имконияти билан, 20000 нусхани ташкил этади. Агарда сайғоқ ареалининг бошқа давлатларидаги ташкилотлар бу ҳаракатни қувватласа, китоб шунингдек ўзбек ва туркман тилларига таржима қилиниши мумкин.

Китоб бепул тарқатилади. Уни олиш учун, jdierks@uni-greifswald.de Ян Дирксга ва ecoObraz@nursat.kz Мария Жирковага мурожаат қилинг. Шунингдек яқинда китобдан бир неча веб-сайтлардан www.saigak.biodiversity.ru, www.oopt.kz, [www.iccs.co.uk/papers/Saiga_Schoolbook\(rus\).pdf](http://www.iccs.co.uk/papers/Saiga_Schoolbook(rus).pdf) ва www.nabu.de/m01/m01_08/00991.html олишингиз мумкин.

Ўзбекистонда сайғоқлар Устюрт популяциясининг ҳолатини баҳолаш ва сақлаб қолиш бўйича тавсиялар

Косбергенов М.

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмончилик хўжалиги Бошқармаси, epronmakset@mail.ru

Устюрт супасининг шимолидаги участкалар, Сам-Матай қумлари минтақасида (Қозоғистоннинг Ақтүбинск вил. чегарасига 50 км), сайғоқларнинг доимий кўзилаш жойлари бўлади. Яхши келган йилларда сайғоқларнинг ялпи кўзилаши бу жойларда, об-ҳаво шароитларига боғлиқ ҳолда, апрел охири – май ойида ўтар эди. Кўзилаш даврида сайғоқларнинг сони ўнлаб минг бошга етар эди. 1990чи йил бошида биз асосий популяциянинг кичик бир қисмини ташкил этадиган, бир неча минг янги туғилган сайғоқчаларни текширдик. Устюрт супасидаги сайғоқларни кўзилаш жойларига 2006 й. май ойининг охирида, навбатдаги боришимизда, бу ҳудудда сайғоқлар бошқа йўқ деган ташвишга соладиган фикрга келдим. Қозоғистон ҳудудининг кўзилашга унча яроқли бўлмаган ерларини эгаллашга сайғоқни нима мажбур қилди экан? Жавоб аниқ. Бу Хитойда сайғоқ шохига катта бўлган талабга боғлиқ, кўп йиллик браконьерлик, асосий озиқ-овқат маҳсулоти сифатида сайғоқ гўштини истъеъмол қилувчи, Устюрт супасида жойлашган поселкалар аҳолисининг ишсизлиги, талаб даражасидаги муҳофазанинг йўқлиги, ҳамда Устюртни жадал саноат ўзлаштирилиши ва Орол денгизи тубининг қуриши. Авваллари сайғоқлар Қорақалпоқ Респ. ҳудудининг ичкарисига, қатъий жанубга, Қўнғрод ва Шуманай туманларигагача кўчар, 1993-94 ва 2004-05 й.й. серқорли қишларида сайғоқ аҳоли пунктлари чеккаларида учрар эди. Бу браконьерликни оширди ва сайғоқ сонини жиддий қисқаришга олиб келди. 1991 й. Қорақалпоғистон Респ. Давлат табиат Қўмитаси қошида тузилган «Сайғоқли» заказниги Устюртда сайғоқ сонини сақлаб қолиниши ва тикланишига ҳеч қандай таъсир кўрсатмади. Сайғоқ шохига бўлган катта эҳтиёж туфайли браконьерлар асосан эркакаларини ўлдирганлар, бу билан популяциянинг репродуктив потенциалига зарар етказган.

2004 й. декабр ойининг охирида ҳисобга олиш вақтида 3 кун давомида сайғоқларнинг ҳар бирида 45-50 бошдан бўлган 32 гуруҳи топилди. Бунда биттагина еши катта эркага аниқланди, учдан бир қисми – шохи 5 см-гача бўлган бир яшар эркакалари ва қолгани урғочилар эди. Бошқа, кўчиб юрувчи сайғоқларнинг энг катта (бир неча минг бош) подасини браконьерлар Қорақалпоғистондаги Абадан ва Жаслик пос. ерларида темир йўл кўтармаси енидаги чуқур ўтиринди қорларга қувиб киритдилар. Ожиз жониворлар қириб ташланди, кўрсатилган ерлардаги қон қўлоблари, сайғоқ жунгининг парчалари ва автомобил излари бундан далолат берар эди.



Жаслик ст. худудида автотрассани кесиб ўтган, сайгоқ излари (2004 й. декабр).
А.Есипов сурати.

Сайгоқни қириш ва нимталарини олиб чиқиш бир неча кун давом этди, бироқ, на кўрсатилган аҳоли пунктларининг маъмурияти, на ҳуқуқий қўриқлаш органлари қирғинни тўхтатиш учун ҳеч қандай чора кўрмадилар. Ўша йили кўчиб ўтган сайгоқларнинг юқори сони бошининг кўпайиши билан эмас, Қозоғистонда кўп еққан қорлар ва озуқа нинг етишмаслиги билан боғлиқ эди.

Кейинги қирилишдан қочиш учун сайгоқларга кўп йиллик кўчиб ўтиш йўллари ўзгартиришга тўғри келди; энди улар супа минтақасининг ичкарасига кирмай Комсомольск-на-Устюрте пос. ерида Аджибой қиялигидан Оролнинг қуриган тубига тушади ва шарққа, Қозоғистоннинг Қизил-Ўрда вилоятига чегарадош Қорақалпоқ. Респ. Тахтақўпир тумани томонга кўчиб ўтиб, саксовулзорда қишлайди.

Шуни қайд қилиш керакки, янги қишлаш жойлари, Туркменистонда жойлашган, эскиларига нисбатан иқлим шароити, озуқа қури ва хилма-хиллиги, совуқ шамоллардан ҳимоя қиладиган, саксовул билан мустаҳкамланган кумтепаларнинг борлиги бўйича унча маъқул эмас. Янги кўчиш йўллари маълум хавф билан ҳам боғлиқ, чунки сайгоқлар катта масофаларни (200 км яқин), ҳозирги вақтда бир қатор газ конлари ишлатилинаётган, очик жойлардан кесиб ўтишга мажбур бўладилар.

Шуни белгилаш керак, Тахтақўпир ва Мўйноқ туманлари аҳолиси, бурғилаш вишкаларининг ходимлари ва геологик разведка партиялар орасидаги браконьерлик ҳоллари – оддий ходиса. Бироқ Устюрт супасидаги поселкаларнинг ишсиз аҳолиси ва Қозоғистондан мунтазам равишда кирадиган профессионал браконьерларнинг чексиз ов қилиши билан солиштирганда денгизнинг қуриган тубидаги сайгоқларнинг ноқонуний овланиши кўпроқ яширин, оммавий бўлмаган характерга эга. Маҳаллий аҳоли учун сайгоқни овлаш кун кўришнинг ягона йўли эмаслиги, бурғилаш вишкаларининг ходимлари ва геологик партияларига бу тизимларда катта маош тўланадиган ишларини йўқотишдан чўчиш – тўхтатиб турувчи омиллар. Яқинги келажақда бу регионда чет эл компаниялар томонидан газ ва нефть конларини янада фаол ишлатилиши режалаштирилган. Табиийки, жиҳоз ва инсон ресурсларини кўплаб келиши, сайгоқни шундай ҳам ачинарли аҳволини янада оғирлаштиради, сўнги бошпанасидан маҳрум қилиб, йўқолиб кетишга яқинлаштиради. Шундай қилиб, Қорақалпоғистонда сайгоқ популяциясининг ҳолатига таъсир кўрсатувчи омиллар кейинги: маҳаллий аҳоли ва четдан келган браконьерларнинг ноқонуний ови ва уларнинг жазосизлиги; назоратчиларнинг емон жиҳозланганлиги ва камлиги; бошқаришнинг йўқлиги ва табиатни қўриқлаш муассасаларининг нотўғри жойлашиши (Устюртда сайгоқни қўриқланишига жавобгар ЎзР Ўрмончилик хўжалигининг бош назоратчиси Тўртқўлда, сайгоқнинг яшаш жойидан 700 км нарида туради, Қорақ. Респ. Давлат табиат Қўмитасининг Устюрт тезкор гуруҳи эса Қўнғиротда – 150 км нарида); Устюрт супаси ва Орол денгизи қуриган тубининг саноат ўзлаштирилиши.

Вазиятни яхшилаш учун: сайгоқларнинг кўзилаш жойларида қўриқланадиган табиий ҳудуд ташкил этиш; кузги-қишки кўчиш даврида чегарадош давлатларнинг табиатни муҳофаза қилиш тизимларининг ҳаракатлари бошқарувини таъминлаш; кўчиб юрвчи ҳайвонларни кузатиб боришда жавобгарлик зоналарини аниқлаш бўйича биргаликда тадбирлар ўтказиш; сайгоқ бошини сақлаб қолиш ва қайта тиклаш учун кўзилаш жойларининг яқинида «Сайгоқ» экомарказини тузиш; жониворларни доимий сувлоқ билан таъминлаш учун қудуқлар қуриш; кўчиб юрвчи подаларни кузатиб юриш ва браконьерлик ҳолларини олдини олиш учун назоратчилар юқоримобил гуруҳларини тузиш; сайгоқларнинг қишлаш жойларида стационар кордонларни ташкил этиш зарурдир.

Шимолий-Ғарбий Каспийолдида сайгоқ популяциясининг қайта тикланишини ўрганишдаги янги усул ҳақида

Арилова Н.Ю., Лушчеккина А.А., Вознесенская В.В.

Сутэмизувчиларнинг ландшафт экологияси лабораторияси,

РФА А.Н. Северцов номидаги экология ва эволюция муаммолари институти, mab.ru@relcom.ru



Еш олимлар - А. Вознесенская ва Н. Арилова лабаратор тадқиқотлар ўтказмоқда. А. Лушчеккина сурати.

Сайгоқлар эркагини танлаб олиш, жинсий таркибини жиддий номуносивликка ва бунинг кетидан популяциянинг барқарорлиги ва тикланишининг пасайишига олиб келади. Сайгоқларнинг бутун ареал чегарасидаги танқидий ҳолатини ҳисобга олганда, бу жониворларнинг тикланишини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиши жуда муҳим бўлиб қолмоқда.

Бизнинг ишимизда кейинги вазифа қўйилган эди: гормонлар ва уларнинг метаболитларини ҳайвонларнинг пешоби ва гўнгида аниқлашни кўзлайдиган, сайгоқ урғочиларининг репродуктив статуси мониторингининг авайлайдиган усулларини ишлаб чиқиш. Ноинвазив усуллардан фойдаланиш фақатгина жониворларни қаттиқ ҳаяжонга олиб келадиган муолажалар(тутиш, ортиқча тутиш, қон олиш)сиз эмас, кўпинча жониворсиз ҳам – улар қолдирган чиқариндиларни таҳлил қилиб, текширишга ижозат беради. Бу методик нуқтаи назардангина эмас, балки табиатни муҳофаза қилиш жиҳатидан ҳам жуда муҳимдир

Тадқиқотларимиз қон плазмаси ва гўнга асосий стероид гормонлар таркиби орасидаги корреляция даражасини аниқлаш мақсадида 2004-06 й.й. Қалмоғистон Республикаси Еввойи ҳайвонлар Марказининг «Яшқўл» сайгоқ питомнигида ўтказилиб 20та (15 урғочи, 5та эркак) жонивордан қон ва гўнг наъмуналари олинди. Асосий стероид гормонлар (тестостерон, прогестерон, эстрадиол) концентрацияси қаттиқфазали иммунофермент таҳлил усулида аниқланди.

Урғочиларнинг қон плазмаси ва гўнгидаги эстрадиол таркиби динамикасининг таҳлили, бу наъмуналар орасида ишончли ($p < 0,001$) корреляцияни кўрсатди. Сайгоқ гўнгида эстрадиолга иммунореактивлиги хомиладорликнинг 4-5 хафтасида 10 баробар ва ортиқроққа ва 7чи хафтадан бошлаб 50 баробар ошади (расм 1). Худди шундай қонунийликни қон плазмасида ҳам кузатдик.

Қон плазмаси ва гўнг наъмуналарини прогестеронга иммунореактивлигининг таҳлили бу гормоннинг қон ва гўнгидаги таркибининг ишончли корреляциясини аниқламади. Бундан ташқари, сайгоқ урғочиларининг қон плазмасида прогестерон даражасининг кўтарилиши хомиладорликнинг кечки босқичида – 12-15 хафтасида ($n=5$) бўлади. Олинган маълумотлар прогестеронни урғочиларни репродуктив статусининг мониторингида ишлатишга ижозат бермайди. Эркаклар қон плазмасида тестостероннинг йил давомидаги таркибининг таҳлили, бу стероид даражасининг кузги-қишки (ноябр-декабр) кўтарилишидан ташқари, апрел-майдаги иккинчи кўтарилиш чўққиси борлигини кўрсатди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида гўннинг эстрадиолга иммунореактивлиги бўйича сайгоқ урғочилари хомиладорлигининг диагностикаси учун тест ишлаб чиқилди.

Бу усул сайгоқ урғочиси репродуктив статуси мониторингининг контакт усули ўрнида қўлланилиши мумкин. Маълум бўлганидай, ҳар қандай популяциянинг яшовчанлигини таъминлаш учун муваффақиятли кўпайиши ва туғилиш ўлим сонидан ортиқроқ, еки камида тенг бўлиши зарур. Сайгоқни Европа популяцияси кўпайишининг муваффақияти, юқорида кўрсатилгандай, кўп омилларга боғлиқ. Лекин, бизнинг фикримизча, уларнинг ичида стресс – қаттиқ ҳаяжон бўлмаслиги керак. Кейинчалик ишлаб чиқарган усулимизни табиатдаги сайгоқ популяцияларининг мониторинги амалиётга киритишни режалаштирганмиз. Иш INTAS №03-51-3579 лойиҳаси ва РФА Президиумининг «Биохилма-хиллик ва генофондлар динамикаси» фундаментал тадқиқотлар Дастури доирасида бажарилган.

Сайгоқ Орол-Каспий сувайирғичи ҳудудида

Глахов К.Н.

Экологик тадқиқотлар институти, Қозоғистон Миллий Аграр Университети
Алмати, Қозоғистон Республикаси, elchor@nursat.kz

Илгари Устюрт супасида кўчиб юриш йўллари ҳар хил йилларда қаттиқ ўзгарган: баъзида Бузачи яриморол еки Жанубий Устюртга, баъзан эса Сам қумликларигача етиб борган сайгоқларнинг биргина устюрт группировкаси яшайди деб ҳисобланган. Буни еки одам томонидан қизғин таъқиб қилиш, е оғир иқлимий шароитлар билан боғлашган. Кейинчалик 1954 йилда шимолий саҳро сайгоқлари Устюрт супасига ўтиб, кейинчалик янги кўчиш йўллари ҳосил қилган мустақил группировкалар шакллантирган. Уларнинг қишловлари Устюрт Жанубий чинкида, Жанака, Заунгуз Қорақумларида жойлашган. Езда уларнинг кўпчилик қисми шимолга кетган, бошқалари эса қолган. Шимолий - Ғарбий Туркменистонда уларнинг сони қиш даврида 40 –50 минг бош, езда эса – бир неча юздан 30 минггача етган. Ушбу иш мақсади – Орол-Каспий сувайирғичи, Орол ва Каспий денгизлари оралиғида жойлашган кенг саҳро региони, Қозоғистон, Ўзбекистон (Қорақалпоғистон) ва Туркменистон ҳудудларида сайгоқнинг яшаш тавсифини аниқлаш.



Кўчиб юрвчи сайгоқлар. Л. Лахманн сурати

Текширишлар 1985-2002 йилларда ўтказилган. Ҳар бир группировканинг маршрутини қайта тиклаш учун шунингдек адабий ва сўров маълумотларидан ҳам фойдаланилган. Натижада қуйидагилар аниқланди:

1. Орол-Каспий сув айирғичида сайгоқ группировкалари камида учта (алоҳида маҳаллий подачаларни ҳисобга олмаганда). Улардан энг каттаси шимолийустюртлик. Уларнинг қишловлари Шимолий Устюртда жанубга 44° ш. к., езги ўтловлари эса – Эмба даресидан шимолроқда жойлашган. Ҳозирги вақтда уларнинг сони 20-30 минг бош атрофида.
 2. Сайгоқнинг икки бошқа группировкаси Шимолий-Ғарбий Туркменистонда – Жанубий Устюрт, Жанака ва Заунбой Қорақумларида қишлайди. У ердан уларнинг кўчиши кўпроқ Устюрт супасининг жанубий-ғарбий қисми бўйлаб шимолга Қорабовур тепалигигача ўтади. Бунда алоҳида подалар бошқа участкалардан –Кендерли-Қоясон супаси, Қоринжариқ чуқурлиги, Шарқий Устюрт бўйича Борса Келмас сўригача кўчиши мумкин. Группировкаларнинг биринчиси Устюрт кўриқхонаси бўйлаб апрел-майнинг бошида кўзилаш даври бошланмасдан олдин ўтади. Иккинчиси шу участка бўйлаб июн-июлда кўзилагандан сўнг еш сайгоқчалар билан ўтади.
 3. Қорабовур тепалигидан иккала группировкалар йўли ажралади. Уларнинг биринчиси Устюрт супасидан, Ерали чегарасини кесиб ўтиб, атрофида кўзилаши ўтадиган Қоратулей шўрхокига ҳаракатланади. Июнда улар шимолга кўчиб, езловга Сам қумликлари, Асмантай-Матай ва Устюрт Шимолий чинки оралиғида жойлашади. Бу юриш қийин бўлган районда сайгоқлар октябрғача бўлиб, сўнг қишлоғга қайтади.
 4. Иккинчи группировка маршрути мураккаброқ. Қорабовур тепалигининг сатҳидан у Ғарбий чинк бўйлаб давом этади. Баурбас чегараси районида сайгоқларнинг бир қисми Ғарбий чинкдан тушади ва унинг этаги бўйлаб ҳаракатланиб, Қасқиржол, Шарқий Қоратау тизмалари, Тузбаир сўри ва Саускан қумликлари орасидаги сув билан нисбатан яхши таъминланган чегараларида езловга йиғилади. Асосий группировка эса Устюртнинг Ғарбий чинки бўйлаб Кертти булоғи атрофигача ҳаракатланади. Кейин сайгоқлар яна икки йўналиш бўйича ажралади. Улар ғарбга ҳаракатни давом эттириб, Моната булоғи ва Қизилсой чегараси орасидаги участкада (Ғарбий чинкдан) тушади. У ердан Кайдак сўри орқали Бузачи яриморолига ўтиб, ўша ерда езлайди. Бошқалари Устюртнинг Ғарбий чинки бўйлаб шимолга кетади, у ердан Жаманайракт тоғ атрофларида тушади. Улар езни Ғарбий чинк шимолий қисмининг этаги ва Улик Қултуқ сўрининг чегаралари бўйлаб ўтказишади. Октябрнинг иккинчи ярмида уч «кенжа гуруҳ» ҳам қишлоғ жойларига орқага қайтишни бошлашади.
 5. Маълумотларнинг тўлиқ эмаслиги қарамасдан ўтган асрнинг биринчи ярмида сақланиб қолган сайгоқларнинг вақтинча яшаш маконларида(Бузачи яримороли каби) сайгоқларнинг айнан жанубий группировкалари кейинчалик ўз сони, ареали ва аъъанвий кўчиш йўллари тиклаган деган тасаввур эҳтимолига яқинроқ. Маршрутларнинг хилма-хиллиги ва уларнинг ҳар йилги ўзгарувчанлиги буни қўшимча тасдиқлаши мумкин. Сайгоқларнинг Шарқий Устюрт бўйича ҳаракатланиш тавсифи аниқланмай қолди.
 6. Орол-Каспий сувайирғичи чегараларида сайгоқларнинг ҳар йилги кўчиш муддат ва йўллари кўпроқ даражада баҳор-ез ва куз давларида егинлар тақсимланиш хусусиятлари, улар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ўсимликларнинг вегетация ва қуриш темпларидаги фарқ, шунингдек олдинги қиш шароитлари таъсир қилади. Қурғоқчилик йилларида орқага кўчиш ҳам юз бериши мумкин, бунда жанубий группировка сайгоқларининг бир қисми езловга Шимолий-Ғарбий Туркменистонга қайтади.
 7. Шуниси қизиқарлики, Устюрт ва Манғишлоқнинг кенг сўрлари сайгоқлар учун ўтиб бўлмас тўсиқ бўлмайди. Улар ўнлаб километр давомида эркин ҳаракат қилиб, ҳайратда қолдирадиган аниқлик билан жонсиз тузли текислик устидан туртиб чиқадиган, қуешдан пана берувчи куюқ бутазор ва яхши ўт-ўланли чегара «оролларга» чиқади. Бу қиш қийин бўлган «ороллар» сайгоқларга асосий душманлар – одам ва бўридан бошлана бўлиб хизмат қилади.
 8. Сайгоқлар иккала жанубустюрт группировкаларининг ўртача подалари 1985-2000 йилларда баҳор-ез даврида 4,8-14,3 бошни ташкил этган. Куз даврида ўртача ва катта гуруҳлар қисмининг кўпайишида (15дан ортиқ) 19,2-24,4 бош.
- Орол-Каспий сувайирғичининг табиий бойликларини сақлаб қолиш учун махсус кўриқланадиган ҳудудлар ташкил қилинди: Қоплонқир давлат кўриқхонаси (Туркменистон), - 1979 й., Устюрт давлат кўриқхонаси, Ақтау-Бузачи ва Карагие-Қорақўл заказниклари (Қозоғистон) – 1984 й., «Сайгоқли» заказниги (Қорақалпоғистон – 1991 й. Шунга қарамай, уларнинг фаолияти сайгоқни сақлаб қолишга деярли таъсир ўтказмаяпти. Сўнгги йилларда шимолустюрт группировкасининг сони 10 баробар қисқарган, жанубустюрт группировкаси 2002 йилда Устюрт ва Манғишлоқда умуман топилмаган. Браконьерлик даражаси кескин ошган, шу жумладан деярли узоқлашган районларда ҳам. Юзага келган вазиятдан чиқиш йўлларида бири Ақтўбинскнинг туташган жойлари ва Мангистау вилоятларида мавжуд бўлган ва лойиҳалаштирилатган заказниклар, билан бирга сайгоқ ва уларга ҳамроҳ бўлган ҳайвонларнинг ноёб турларини сақлаб қолиш учун перспектив участкаларни ҳам бирлаштирувчи филиаллар кўринишида миллий боғлар ташкил қилишда кўриняпти. Бошқа томондан ҳайвонлар муҳофазасининг сифатини умумий кучайтиришсиз махсус кўриқланадиган табиий ҳудудлар родини ортиқча баҳолаб юбормаслик лозим.

Бунга ҳудудий вакил органларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, еввойи ҳайвонларни сақлаб қолишда уларнинг қизиқиши ва маъсулиятини ошириш билан эришиш керак.

Эслатма: мақола тўлиқ ҳажмда 2006 й. учун «Selevinia» (Қозоғистон) ойнамасида босилади.

Лойиҳалар шарҳи



Устюрт супасида (Қозоғистон) даромаднинг альтернатив манбаини яратиш бўйича FFI лойиҳаси

2000 йилдан буён Қозоғистонда ишлаётган Халқаро Фауна ва Флора Фонди (FFI) сўнгги бир неча йил давомида ўз диққатини сайғоқни Устюрт популяциясининг тақдирига қаратди. Бу билан бир қаторда, узоқ муддатли мақсад чўл ландшафтини тиклаш орқали сайғоқ муҳофазасини яхшилашдан иборат бўлиши билан, браконьерликка альтернатива сифатида маҳаллий аҳолининг ҳаёт даражасини қувватлаш бўйича лойиҳанинг ташаббускори бўлди. Бу дастур 2004 й. юрғизилди, ва ҳозир унинг иккинчи босқичи – кичик грантлар дастури кетяпти.

Имперал Колледж Лондондан ҳамкорларимиз кўмагида Устюртда, браконьерлик жараенига тортилган, жамоа танланди. Бозой қ. аҳолисини DGIS қисман маблағ билан таъминлайдиган, кичик грантлар орқали кўмак топа оладиган, доимий иш билан бандликни таъминлаш учун ўз таклифларини ишлаб чиқишга ундаш учун бир қатор консултация, семинар ва индивидуал тренинглари ўтказилди. Грантларнинг биринчи бўлаги жамоанинг, браконьерлик билан юқори даражада боғлиқ бўлган, энг қашшоқ қисмига қаратилди. Слесарлик устахонаси, пайвандлаш устахонаси ва дурадгор дўконлари очилди, шунингдек қишлоқдан 20 км нарида жойлашган, олис яйлов хўжалиги тикланди, бу аввало 4та оилага даромадини тўлдириш ва яхшилашга имкон берди. Бу лойиҳаларнинг кўпчилиги ҳозирги вақтда шу билан яхши ташкил этилганки, лойиҳа фойдасини оширган ҳолда, баъзида кўшимча штат ёллайди. Кичик грантлар дастурининг иккинчи фазаси 2006 й. октябр ойида бошланди. Яна қишлоқ аҳолиси таклиф этган 5та лойиҳа маблағ билан таъминланди. Исроил фирмасининг техник ердами туфайли мактабда болаларга мева ва сабзавот етиштириш учун теплица қурилмоқда, шунингдек қишлоқда сабзавот етиштириш учун томчилаб-суғориш тизими ўрнатилди. Бошқа 3та лойиҳа – қишлоқ атрофидаги яйловларга тўғри оғирликни камайтиришга ердан бераётган, оилага ўз подаси ва қўшнинг чорвасини боқиб имкон берадиган, 2чи яйлов лойиҳаси; маданиятни қўллашда ердан берадиган, маҳаллий клубдаги рақс мактаби, ва массаж кабинети. Бу лойиҳалар бутун жамоага қаратилган ва грантларнинг 1 қисмига нисбатан кўпроқ оила ва аёлларга йўлланилган. Умид қиламиз, даромаднинг альтернатив манбаларини яратиш бўйича лойиҳа фойда беради, ва, тобора тарқалиб янада мустаҳкамлашади.

Ҳозирги вақтда, ҳамкор ташкилот сифатида Кўчиб юрвчи турлар бўйича Конвенцияга имзо чеккан FFI Қозоғистон ва Ўзбекистон Устюртида сайғоқни сақлаб қолиш бўйича ишни кенгайтиришни режалаштирган. Халқаро Фауна ва Флора Фонди сайғоқ ареалининг 4 давлатларида сахро чўллари ва сайғоқнинг муҳофазасига жалб этилган маҳаллий ташкилот ва муассасаларни қўллаб-қувватлашга ва ҳамкорлик лойиҳаларига очик. Кўшимча маълумот учун FFI, ralicorn@fauna-flora.org Ричард Оллокорнга мурожаат қилинг



Сайғоқ эркакнинг шохи Аньанавий Хитой медицинасида ишлатилади. Джаюя-Хейхе сурати.

Хитойда сайғоқ шохи савдосини ўрганиш бўйича лойиҳа

2006 й. феврал ойидан 2007 й. феврал ойигача Хитойдаги WCS дастур офиси, SITES котиблиги ва Хитойдаги SITES маъмурий органи ердамида Хитойда сайғоқ шохини ҳозирги кундаги бозор мақомини баҳолаш бўйича лойиҳани юргизди. Олинган маълумотлар сайғоқ муҳофазасини бошқариш бўйича тегишли ҳаракатларни аниқлаш учун SITES котиблигига топширилади.

Ҳаммаси бўлиб, 8 провинция ва 1 муниципалитетда жойлашган 12 асосий улгуржи бозорлар, 3 провинциянинг 8 шаҳрида ва 3 чегара енидаги провинцияларда чакана савдо бозорлари текширилади. Шунингдай тегишли ахборот адабий манбалар, интернет, анъанавий хитой медицинасида ишлайдиган мутахассислар ва экспертлардан олинган интервьюлардан олинади.

Кўшимча ахборот учун WCS-Хитой, jasmine.lis@hotmail.com Лишу Ли ва WCS-Хитой, yqling@online.sh.cn Аили Канга мурожаат қилинг

Янги нашриетлар

Грачев Ю.А., Бекенов А.Б., Ташибоев Е.С. 2005й. Устюртда сайғоқ популяциясининг тузилиши ва кўпайишининг хусусиятлари // Халқаро илмий-амалий конференция материаллари / Қозоғистон ва қўшни территорияларда табиатдан фойдаланиш ва экологиянинг муҳим муаммолари, 25-26 май 2006 й., Павлодар, 2006, 293-295 б.

2005 й. Устюртда сайғоқларнинг урчиш даврида INTAS (№ 03-51-3579) лойиҳаси ердамида ўтказилган тўлиқ кузатувларнинг натижалари берилган. Урчиш муддатлари ўртача олганда кўп йиллик маълумотларга нисбатан ўзгармаганлиги аниқланган. Ҳайвонларнинг серпуштлиги, маҳсулдор эркеклар сонининг камайиши натижасида, пасайган. Регионда баҳор ва куз мавсуми давридаги сайғоқ популяциясининг структураси тўғрисида маълумот берилган. Контакт: Грачев Юрий Александрович, Бекенов Аманкул Бекенович: terio@nursat.kz.

Морган Э.Р., Лундсволд М., Медли Г.Ф., Шайкенов В.С., Торгерсон П.Р., Милнер-Гулланд Э.Дж. Еввойи ва уй ҳайвонлари орасида касалликлар трансмиссиясининг хавфини баҳолаш: сайғоқ мисолида. *Biological Conservation*, 2006, **131**, 244-254.

Еввойи ва уй ҳайвонлар орасидаги касалликлар трансмиссияси, йўқолиб кетиш хавфи остидаги популяцияларни яшовчанлигининг пасайиши ва касалликларнинг мавжуд бўлган еки потенциал табиий марказлари мустаҳкамлигини бузилиши сабабли турларни сақлаб қолиш ҳаракатларига ҳалақит бериши мумкин. Мақолада назорат стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида еввойи – уй ҳайвонлари тизимида касалликнинг ўтиш хавфини баҳолаш учун трансмиссион моделлар қўлланилиши баён этилган. Биз сайғоқ (*Saiga tatarica*) ва Марказий Осиё уй қавш қайтарувчиларининг патогенларини ўргандик. Оёқ ва оғиз бўшлиги касалликлари, меъда –ичак йўлининг нематодалар билан зарарланишининг асосий хавфи сайғоқларни уй ҳайвонларидан касаллик юқтириши ва сайғоқларни кўчиб ўтиш вақтида инфекцияни кейинги географик тарқалиши билан боғлиқ. Оёқ ва оғиз бўшлигининг касалланиш эҳтимоли популяциянинг катталигига ва вируснинг кириш вақтига юқори даражада боғлиқ. Нематодалар учун хавф даражаси ва трансмиссиянинг таҳминий йўналиши, сайғоқларни кузда касалланиши ва баҳорда инфекциянинг шимолий йўналишида тарқалишини амалга оширадиган, эгаси организмдан ташқари *Marshallagia* умрининг узоқлиги каби паразитнинг яшаш тарзининг муҳим хусусиятларида тўхталиб ўтади. Паразит сонининг дала ҳисоблари олдиндан айтиб беришда сифатли асосни таъминлайди. Еввойи ва уй ҳайвонлари орасидаги касаллик трансмиссиясини эрта баҳолаш асбоби сифатида моделлардан фойдаланиш музокара қилинган. Контакт: Эрик Морган, eric.morgan@bristol.ac.uk.